



ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ИЛГОР ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

PhD Гафурова Умида Фатиховна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази

ORCID 0000-0002-7997-7169

Umidag85@gmail.com

Аннотация. Мақолада мамлакатда инвестициялар ва инновацион фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўрганилган ва улардан фойдаланиш йўналишлари белгилаб берилган. Шу билан бирга ўрганилган хорижий мамлакатлар (Хитой, Ҳиндистон, Чили, Таиланд) инвестиция сиёсатидаги фарқлар ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилиб, бу давлатларнинг инвестиция стратегияси ва механизmlари тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: инвестиция, хорижий инвестициялар, инновациялар, инвестицион ва инновацион фаолият самарадорлиги, инвестицион муҳит жозибадорлиги, инвестицион фаолият, инвестиция сиёсати.

НАПРАВЛЕНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОПЫТА ИНОСТРАННЫХ СТРАН ДЛЯ РАСШИРЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИЙ И ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

PhD Гафурова Умида Фатиховна

Научно-исследовательский центр «Научные основы

и проблемы развития экономики Узбекистана»

при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье изучается передовой опыт зарубежных стран и определяются направления их использования в целях повышения эффективности инвестиций и инновационной деятельности страны. При этом проанализированы различия и особенности инвестиционной политики изучаемых зарубежных стран (Китай, Индия, Чили, Таиланд), а также исследованы инвестиционные стратегии и механизмы этих стран.

Ключевые слова: инвестиция, иностранные инвестиции, инновация, эффективность инвестиционно-инновационной деятельности, привлекательность инвестиционной среды, инвестиционная деятельность, инвестиционная политика.

DIRECTIONS FOR USING THE EXPERIENCES OF FOREIGN COUNTRIES TO ENHANCE THE EFFECTIVENESS OF INVESTMENTS AND INNOVATION ACTIVITIES

PhD **Gafurova Umida Fatikhovna**
Scientific research center "Scientific bases
and problems of the development of
the economy of Uzbekistan" under the
Tashkent State University of Economics

Abstract. The article studies the best practices of foreign countries and determines the directions for their use in order to increase the efficiency of investments and innovation activities of the country. At the same time, the differences and features of the investment policies of the foreign countries studied (China, India, Chile, Thailand) are analyzed, and the investment strategies and mechanisms of these countries are also studied.

Key words: investment, foreign investment, innovation, efficiency of investment and innovation activity, attractiveness of the investment environment, investment activity, investment policy.

Кириш.

Мамлакатда инвестицион ва инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари, инвестицион ва инновацион фаолликни давлат томонидан рағбатлантиришда молия-солик сиёсатининг ўрни, самарали корпоратив инвестицион ва инновацион менежментнинг замонавий йўналишлари, жаҳон амалиётида корпоратив инвестицион ва инновацион фаолият самарадорлигини ошириш тадбирларига оид хорижий тажрибалардан республикамизда кенг фойдаланиш масалалари ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири саналади.

Жаҳон тажрибаларини ўрганишлари таҳлилига кўра, корпоратив инвестицион ва инновацион сиёсатига оид халқаро амалиётининг исталган давлатига хос у ёки бу қарорнинг мутлақ устунликка эга бўлган, мақбул шакли сифатида мавжуд эмас, инвестицион ва инновацион фаолият, самарадорлигини оширишнинг самарали давлат тадбирларига оид бирор бир воситанинг, янги тартиб ёхуд услугиятнинг, қўлланиши мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий ва ҳатто сиёсий ҳолат билан боғлиқdir. Лекин шунга қарамай, корпоратив инвестицион ва инновацион менежмент тараққиётининг айrim моделларига хос бўлган ҳамда кенг қўлланиладиган самарали восита ва тадбирларини тажриба-синов тарзида қўллаш ва улардан мақбулларини амалиётда фойдаланишга тавсия этиш мумкин.

Адабиётлар шарҳи.

Яқин хорижий давлатларда замонавий инвестицион бошқарув назарияларини тадқиқ қилиш инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга оид изланиш жараёнининг анъанавий давлат инвестиция сиёсатини ўрганишдан давлат инвестицион менежменти, давлат инвестицион хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг самарали инвестицион ўсиши борасидаги замонавий фанларга ўтиш босқичида турганлигини тасдиқлайди.

Жаҳон иқтисодиётида инвестицион фаолият самарадорлиги нафақат маълум бир давлат иқтисодиётини ривожлантиришда катта роль ўйнайди, балки минтақалар иқтисодиётига таъсир кўрсатишга қодир. Шу сабабли, инвестицион фаолият самарадорлигини оширишнинг назарий асослари ва услубий жиҳатларини ўрганиш асносида, машхур иқтисодчи-олим ва мутахассислар тадқиқот натижаларини синтез қилиш муҳим ҳисобланади.

Инвестицион фаолият самарадорлигини аниқлаш услубиёти юзасидан хорижий амалиётнинг ижобий намуналари Гарвард бизнес мактаби вакиллари - Гейн-Хейзлер ишларида, «The Economist», «Fortune» каби жаҳон иқтисодий журналлари фаолиятида, «Moody's», «Standard&Poor» каби эксперт агентликлари фаолиятида кенг учрайди.

Жихаревич, Лимонов, Жундалар (2014) фикрича, «инвестицион фаолият самарадорлиги сармояни қўйишдан тушган тушумнинг даражаси орқали аниқланади». Шунингдек, Савельев (2010) инвестицион фаолият самарадорлигини аниқлаш юзасидан инвестиция ҳажмини изоҳлаш, уларнинг горизонтал ва вертикал бўйича таркибини таҳлил қилишга асосланган ёндошувини асослашга ҳаракат қилган.

Рустамова (2018) фикрича, «Инвестицион фаолият самарадорлиги - бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-хуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуидир».

Ушбу қарашлар, алоҳида олинган корхоналарда инвестицион фаолият самарадорлигининг муҳим асоси бўлмиш – унинг инвестицион салоҳиятини ошириб бориш билан бирдай вазифалар қўйишини тўлиқ эътиборга олмайдилар.

Мамлакатимизда инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш масалалари иқтисодчи-олимлар томонидан кам ўрганилган мавзулардан бири эканлиги билан бирга, ушбу масалага ҳозирда янгича ёндошув зарурлигини тақазо этмоқда.

«Инвестицион фаолият самарадорлиги» тушунчасининг мазмун-моҳиятини муаллифлар турлича талқин қилишмоқда. Хорижий иқтисодчи-олимлар талқинида бу тушунча қўпроқ “бизнес муҳити, фаолияти” тушунчаси билан маънодош сифатида кўрсатилмоқда. Жумладан, Дэниелс ва Радеба (2014) фикрича, 70-80-йиллардаги ТМКлар ҳозирда «бизнес муҳити талабларига мослашув шартларини тўлиқ кўчириб олишга улгурдилар (environmental scanning)».

Доунс ва Эллиотнинг (2017) таъкидлашларича, «инвестицион фаолият самарадорлиги инвестициялар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, молиявий ва бошқа шароитлардир».

Сивакованинг (2014) фикрича, мазкур категориялар хорижий амалиётда тўлиқ синоним тушунчалар сифатида кўлланилади. Таракқиёт тадқиқотлари институти (IDS, University of Sussex) вакиллари Мур ва Шмитц (2016) ушбу тушунчаларнинг фарқланиши лозимлигини таъкидлашади ва уни асословчи омилларни баён этишади. Бироқ, мазкур муаллифларнинг «бизнес муҳитининг (ёки инвестицион муҳитнинг) яхшиланиши бизнесни юритиш учун харажатларни камайтириш имконини, инвестицион муҳитнинг яхшиланиши эса – капитални инвестициялашдаги рискларни пасайтириш имконини кўзда тутади» – деган фикрлари мунозаралидир.

Шундай қилиб, купчилик хорижий тадқиқотчилар “инвестицион фаолият” “қулай ва самарали инвестицион иқлим” тушунчалари мазмунини “бизнес фаолияти самарадорлиги” тушунчасига яқин, деб қараб, уни капитални қўйишининг рисклилик даражаси ва аниқ обьектга инвестиция қилишнинг жозибадорлиги даражасини шакллантирувчи ташқи шарт-шароитлар мажмуи сифатида талқин этадилар.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур илмий мақолада гурухлаш, тизимли қиёсий таҳлил ва тизимли ёндошув, эксперт ва таққослама таҳлил, башоратлаш, маълумотларни статистик ишланмаси методлари ва бошқа замонавий усусларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хорижий инвестицияларни жалб қилиш иқтисодий ўсишли рағбатлантириш, рақобатбардошликни ошириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, иш ўринлари яратиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Асосий ҳамкор давлатлар бу жараёнда ўрни ва аҳамияти юқоридир, хусусан:

1. Молиявий ёрдам. Ҳамкор давлатлар томонидан инвестицияларни жалб қилишда ёрдам беришнинг асосий усулларидан бири бу молиявий ёрдамдир. Бу тўғридан-тўғри инвестициялар, кредитлар, грантлар ёки субсидиялар шаклида бўлиши мумкин, улар капиталга киришни осонлаштиради ва хорижий инвесторлар учун молиявий рискларни камайтиради.

2. Технологик ва тажриба алмашиш. Ҳамкор давлатлар ўз технологиялари, билим ва тажрибасини жалб қилинган инвесторлар билан бўлишиши мумкин. Бу маҳаллий корхоналарнинг маҳсулдорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга ёрдам берадиган илғор технологиялар, бошқарув техникаси, ишлаб чиқариш жараёнлари ва бошқа инновацияларни узатишни ўз ичига олиши мумкин.

3. Сиёсий ва ҳуқуқий ёрдам. Ривожланган мамлакатлар инвестициялар учун барқарор ва шаффоғ мұхит яратиб, сиёсий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши мумкин. Бунга инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунчилик ва иқтисодиётда прогноз қилиш ва барқарорликни таъминлайдиган кучли сиёсий институтлар киради.

4. Бозорларга кириш. Ҳамкор давлатлар рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиб-қоидаларини соддалаштириш, тарифлар ва савдо тўсиқларини камайтириш орқали ўз бозорларини бошқа мамлакатлар инвесторлари учун очишлари мумкин. Бу эса тадбиркорликни ривожлантириш ва фаолиятни кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратмоқда.

5. Инфратузилма лойиҳалари. Ҳамкор давлатлар ўртасидаги кўшма инфратузилма лойиҳалари иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этишга хизмат қилиши мумкин. Бу йўллар, портлар, аэропортлар, энергетика обьектлари ва бошқа инфратузилма обьектларини қуриш бўйича лойиҳалар бўлиши мумкин, улар нафақат маҳаллий аҳоли ҳаётини яхшилаш, балки инвестициявий имкониятларни ҳам яратади.



1-расм. Асосий ҳамкор давлатларнинг улуси, (2023 йил)

Келтирилган расм маълумотларига кўра кўриш мумкинки, мамлакатимизни экспорти бўйича асосий ҳамкор давлатларимиз Россия, ХХР, Қозоғистон, Турция

давлатлари бўлса, импорти бўйича ХХР, Россия, Қозоғистон, Корея Республикалари ташкил этмоқда. Ушбу ҳамкор давлатлар иқтисодий тараққиёт ва рақобатбардошликтни оширишга хизмат қилувчи молиявий, технологик, сиёсий ва бозорни қўллаб-қувватлаш орқали хорижий инвестцияларни жалб этишда муҳим ўрин тутади.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида давлатнинг инвестицион ва инновацион сиёсати ҳар бир корхонанинг ички имкониятлари ва шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда турлича қўлланилиши мумкин.

Хитойда шаклланган бож белгилаш тартиби ривожланган ташқи иқтисодий алоқалар ва валюта қонунчилиги хорижий инвестиялар кириб келишига қулай имкониятлар яратди.

Хитойнинг иқтисодиётiga хорижий инвестияларни жалб қилиш сиёсати йиллар давомида такомиллашиб келмоқда. Бу сиёсатнинг ривожланиш жараёнини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин (Рустамова, 2006):

Биринчи босқич ўз ичига 1979-1982 йилларни қамраб олади. Бу босқичда Хитойда “очиқ эшиклар” сиёсати шаклланди. 1980 йилларнинг бошида маҳаллий ҳукуматларга хорижий инвестияларни жалб этиш бўйича қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Бу даврда хорижий инвесторларга катта имтиёзлар берилди.

Иккинчи босқич 1983-1991 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда хорижий инвестияларни жалб этиш сиёсати такомилластирилди. Мамалакатда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга асосан хорижий инвестиялар иштирокидаги корхоналарга катта имтиёзлар берилди. Улар учун даромад солиғининг ставкаси 33 фоизгача камайтирилди. Вахоланки, бу даврда маҳаллий корхоналар учун даромад солиғи 55 фоизни ташкил қиласа эди. Агар ҳорижий инвестиялар иштирокидаги корхоналар ўз фаолиятини маҳсус иқтисодий зомналарда амалга ошираётган бўлса, улар учун бу ставка яна ҳам камроқ миқдорда, яъни 15 фоиз даражасида белгиланган эди.

Учинчи босқич, 1992 йилдан хозирги кунга қадар давом этмоқда. Хорижий инвестияларнинг иқтисодиётнинг улар учун ёпиқ бўлган молия, суғурта ва бошқа соҳаларга ҳам жалб этилиши айнан 1992 йилдан кейин бошланди. Бундай самарали ислоҳотлар натижасида Хитой XXI аср бошида хорижий инвестиялар учун энг жозибали мамлакатлардан бирига айланди.

Хитойда инвестация сиёсати ислоҳотлари ва бозор механизимлари иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида амалга оширилди, иқтисодиётнинг “қизиб” кетиши босқичида эса тартибга солишининг маъмурий методларидан кўпроқ фойдаланилди.

Хитой “иқтисодий тараққиёти” бир қанча таянч ҳолатларга асосланади: қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, солиқларни камайтириш, давлат харажатларини қисқартириш, эркин иқтисодий худудларни ташкил этиш ва экспортни эркинлаштириш.

Хитой Ҳукумати жаҳон иқтисодий амалиётида ҳали қузатилмаган солиқларни - 1979 йилда ЯИМга нисбатан 30,4 фоиздан 1996 йилда 10,3 фоизгача камайтиришни амалга оширдилар. Бу салбий макроиқтисодий оқибатларга олиб келмади, чунки шу вақтнинг ўзида барча давлат харажатлари 36,4 фоиздан 13,1 фоизгача қисқариб борди¹⁴⁸.

Хитой инвестация сиёсатининг воситаларидан бири бу инвестияларга солиқлардир. Бу восита орқали ҳукумат капитал қурилишининг меъёрдан ортиқ ўсиб боришига қарши курашди. Бироқ, агар корхоналар технологик модернизациялаш учун ички бозордан жиҳозларни сотиб оладиган бўлса улар ялпи фойданинг 40 фоизига

¹⁴⁸ Механизм инвестиции: Международный опыт в контексте Узбекистана. // Экономическое обозрение. – Т. 2007. № 7. С. 16.

тўланадиган солиқдан озод бўлиш имтиёзидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

90 йиллар охирларида, ЯИМнинг ўсиш суръатлари тушиб кетганида ҳукумат давлат ғазначилик мажбуриятларини эмиссия қилиш орқали инвестиция рағбатлантиришга киришди. 1998-2020 йиллар мобайнида мазкур восита ёрдамида 231,3 млрд. АҚШ долл. жалб қилинди, яъни, ирригация иншоотларини, автомобиль йўлларини, аэропортлар, дон сақлаш омборларини қуришга, ўрмонларни яратиш ва қисман давлат корхоналарини модернизациялашга сарфланади.

Ҳиндистон инвестиция сиёсати самарадорлиги тўғрисида қўйидаги икки кўрсаткичнинг ижобий натижаларига кўра мулоҳаза юритиш мумкин: 1) мазкур давлат эришган 4,1 га тенг бўлган глобал рақобатбардошликтининг юқори индекси; 2) сўнгти йилларда тайёр маҳсулотларнинг $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этувчи экспорт таркибининг яхшиланиши.

Иқтисодий ва инвестициявий фаолликнинг қатор кўрсаткичлари бўйича Ҳиндистон дунёнинг ривожланаётган давлатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. ЯИМнинг ўртача ўсиш суръатлари 2000-2004 йилларда (жаҳондаги ривожланаётган давлатлар бўйича 4,5 фоиз ўртача кўрсаткичга нисбатан) 5,7 фоизни, ялпи инвестициялар эса (5,2 фоизга нисбатан) 7,7 фоизни ташкил этади.

Динамик иқтисодий ривожланишнинг омилларидан бири аввало иқтисодиётни ривожлантиришнинг ички манбаларини фаоллаштиришга қаратилган пухта ўйланган инвестиция сиёсати бўлиб ҳисобланади. Бу тўғрисида ялпи ички жамғармаларни (охирги 5 йил давомида ЯИМга нисбатан 21,6 фоиз), ялпи инвестицияларни баҳолаш (22,5 фоиз) далолат беради. Бу жаҳондаги ривожланаётган давлатлар бўйича тегишли равишда 18,6 ва 20,9 фоизни ташкил этади¹⁴⁹.

Шу бугунга қадар, Ҳиндистон ҳукумати инвестицияларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш мақсадида 20 дан ортиқ мамлакатлар билан халқаро ва икки ёқлама битимларни тузган. Бу битимлар инвестицияларнинг эркин ҳаракат қилиши ва қайтарилиши имконини беради.

Чили ҳукумати ўзининг инвестицион ва инновацион сиёсатга оид эришган ютуқ ва устунликлари Лотин Америкаси ва унинг ташқарисида инвестициялар учун “жозибадор платформа” сифатида ўзини намоён этишига асосланади. “Жозибадор платформа” ғояси Чили ҳукуматининг Хорижий инвестициялар бўйича қўмитаси (ХИБК) томонидан 2002 йилда таклиф қилиниб, шу пайтдан бошлаб ҳаётга татбиқ этиб келинди.

Чили миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш бўйича ютуқларга эришган мамлакат бўлиб ҳисобланади. Глобал рақобатбардошлик индекси бўйича (4,9) 2019 йилда мамлакат жаҳоннинг ривожланаётган давлатлари орасида (Малайзиядан юқори ва Исломийанан бирор пастроқ) юқори ўринни эгаллади ва барча Лотин Америкаси мамлакатларидан ўзиб кетди.

Хорижий инвесторларни тартибга солишнинг асоси 1947 йилдан бери амал қилиб келаётган хорижий инвесторлар тўғрисидаги Декрет-қонун ҳисобланади. У хорижий капитални ҳимоя қилиш кафолатлари бўйича дунёда зенг такомиллашган хужжатлардан биридир.

Тайланд давлати иқтисодий ўсишнинг инвестицион ва инновацион омиллари таъсирчанлигига эришган ва охирги 10 йилда хусусий сектор устуворлиги асосида инвестицион фаолиятни эркинлаштириш даражасининг ўсиши орқали инвестицион салоҳиятни 4,9 марта, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини 2,9 марта оширишга эришган¹⁵⁰.

¹⁴⁹ Механизм инвестиций: Международный опыт в контексте Узбекистана. // Экономическое обозрение. – Т., 2007. № 7. С. 16.

¹⁵⁰ World Investment Report-2022: Global Investment Trends and Prospects. UNCTAD/WIR/2022. <https://worldinvestmentreport.unctad.org/world-investment-report-2022/chapter-1---global-investment-trends-and-prospects/#fdi-flows>.

Таиландда қулайроқ инвестиция мұхитини яратиш учун иқтисодиётни әркинлаштириш (банк сектори ва ташқи савдо режимига әътибор қаратиш), макроиктисодий барқарорлыкни мустахкамлаш, инвестиция устуворликлари, хусусийлаштириш соҳасида шаффофликни таъминлаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида келтирилган ва ўрганилган хорижий мамлакатлар (Хитой, Хиндистон, Чили, Таиланд) инвестиция сиёсатидаги фарқлар ва ўзига хос хусусиятларга қарамай, бу давлатларнинг инвестиция стратегияси ва механизмларида умумий томонлар мавжуд. Булаr қўйидагилардир:

1. Ушбу мамлакатларда самарали инвестиция сиёсатини ташкил қилишда (айниқса унинг шаклланиши босқичларида) давлат белгиловчи роль ўйнаган. Бунда давлатнинг функциялари фақат қулай инвестиция мұхитини шакиллантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, зарур меъерий-хуқуқий асосларни яратиш ва мустаҳкамлаш билангина чекланиб қолмай, инновацион фаолият асосларини самарали ташкил этиш ва бошқаришга оид тактик ва стратегик масалаларни ҳам ҳал этишни талаб қиласди. Бироқ, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиёт әркинлашуви жараёнларининг чуқурлашиб бориши билан инвестициялаш жараёнларини давлат томондан тўғридан-тўғри тартибга солиш миқёслари қисқариб боради, билвосита воситалар орқали инвестиция оқимларини рағбатлантириш функциялари эса мұхим аҳамият касб эта бошлайди.

2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келишини рағбатлантирувчи қулай ва мустаҳкам инвестиция мұхити. Мазкур қулай ва мустаҳкам инвестиция мұхитининг шартларига қўйидагилар киради: инвестицион жамғармалар даражасининг ЯИМга нисбатан 20 фоиздан кам бўлмаслиги; инвестициялар ўсиш суръатларининг ЯИМ ўсиш суръатларидан камида 2-4 пунктга юқорироқ бўлишининг таъминланиши; тадбирларнинг устун даражада хусусий инвестициялар ҳисобига амалга оширилиши; хусусий секторга катта ҳажмдаги кредитларнинг ажратилиши (Таиланд, Хиндистон); ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал қилишда эркин бозор кучлари билан давлат фаол ўрнининг уйғунлашуви (инфляциянинг паст даражасини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, камбағалликка қарши курашиш ва ҳоказоларни ташкил этади).

3. Банк сектори ва молия бозорининг барқарор ривожланиши. Жаҳоннинг кўпгина рақобатбардош ривожланаётган мамлакатларида монетизация даражаси 50 фоиздан ортиқни ташкил этади.Faқат шундай ҳолдагина аҳоли ва тадбиркорларнинг бўш маблағларини ишга солиш, инвестиция ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, фаол инфляцияга қарши сиёсатни олиб бориш учун тегишли шарт-шароитлар яратилади.

4. Инвестиция сиёсатининг тизимлилиги ва бир бутунлиги. Маълумки, инвестиция сиёсати мамлакат иқтисодий ривожланиш стратегиясининг асосий таркибий қисимларидан бири ҳисобланади. Жумладан, Хитой инвестиция сиёсати унинг ҳайтий даврини тартибга солиш, барқарор ривожланишни таъминлаш, эришилган юқори ўсиш суръатларини сақлаб туришнинг (Хитой иқтисодиётининг циклик ривожланиши хусусиятини ҳисобга олган ҳолда) фаол воситаси бўлиб ҳисобланади.

5. Инвестиция сиёсатига масъул бўлган давлат институтлари фаолияти сифатини ошириш. Бу нодавлат мустақил экспортларни машҳур олимлар ва обрўли тадбиркорлар давлат ресурсларини тақсимловчи бошқарув кенгашлари ва тузилмалар таркибига жалб қилиш орқали амалга оширилган. Мазкур ресурслар у ёки бу инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш сифатида хусусий инвестицион-инновацион фондларнинг бошланғич капиталини шакиллантириш учун тақдим этилган.

6. Юқори технологияларни ривожлантиришга капитал оқимларини йўналтириш. Кўпгина ривожланётган мамлакатлар бунда ривожланган мамлакатлар билан улар ўртасидаги иқтисодий ривожланиш суръатларидағи фрқни тезроқ бартараф этиш имконини берувчи ривожланишнинг “кувиб етиш” стратегияларидан фойдаланганлар. Бунда асосий механизм бўлиб хусусий-давлат ҳамкорлиги, давлат ва бизнес ўртасидаги рискни тақсимлаш, маркетинг тадқиқотларига кетадиган харажатларни давлат томонидан бирлаштириб молиялаштириш, персонални ўқитиш, янги маҳсулотни сертификатлашга кўмаклашиш ҳисобланади.

7. Инсон ва ижтимоий капитални оширишни инвестициялашга ўзига хос устуворлик бериш. Фан сифимкорлиги юқори бўлган иқтисодиётни тезкорлик билан барпо этиш шароитида рақобатбардошликтининг ўсишини таъминлаш зарурияти тез фурсатларда муваффақиятга эришаётган айрим ривожланаётган мамлакатларнинг инсон ва ижтимоий капиталга кенг миқёсдаги инвестицияларни жалб қилиш кўринишидаги ўзига хос устуворлигини келтириб чиқаради. Ривожланган мамлакатларда таълимга эътибор қаратиш орқали “ақлларнинг оқиб ўтишини” пасайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш истиқболларини белгилашнинг энг муҳим омилларидан бирига айланди.

Умуман, корхоналар инвестицион ва инновацион фаолиятини такомиллаштириш борасида хориж тажрибаларини кенг тарзда ўрганиш мамлакатимиз учун бой ижобий ўгитларни беради. Аниқроқ тарзда фикримизни ифодаласак, «мамлакатимизда ҳам инвестиция соҳасини либераллаштириш, инвестицион ва инновацион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича ислоҳотларни давом эттириш, республикада самарали инвестицион ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш бўйича хуқуқий базани янада такомиллаштириш юзасидан хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш тараққиётнинг гарови ҳисобланади» (Мустафакулов, 2017).

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Moore M., Schmitz H. (2016) *Idealism, realism and the investment climate in developing countries- Sussex: Institute of Development Studies*, - p.22.

Доунс Дж., Гудман Дж. Э. (2017) *Финансово-инвестиционный словарь*. З-е изд. –М.: Инфра-М, - 255с.

Дэниэлс Дж.Д., Радеба Л.Х. (2014) *Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции*. 4-е.изд. –М.: Дело ЛТД, - 438 с.

Жихаревич Б.С., Лимонов Л.Э., Жунда Н.Б. и др. (2014) *Региональная экономика и пространственное развитие. Учебник в 2-х томах*. – М.: Юрайт.

Мустафакулов Ш.И. (2017) *Инвестицион муҳит жозибадорлиги*. –Т.: Baktria press, 174-б.

Рустамова Д.Д. (2006) *Иқтисодиёни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишининг назарий асослари ва устувор йўналишлари. Иқт. фанлари номзоди... дис. –Т., 45-46-б.*

Рустамова С. (2018) *Мамлакатимизда инвестицион муҳит ва унинг жозибадорлигини белгиловчи омиллар*. / Молия, №2, 55-б.

Савельев Ю.В. (2010) *Управление конкурентоспособностью региона: от теории к практике*. – Петрозаводск: КарНЦ РАН, – 516 с.

Сивакова С.Ю. (2014) *Формирование инвестиционного климата с целью привлечения иностранных инвестиций (На примере Смоленской области)* [Текст]: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 - Санкт-Петербург, - с. 22.